# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 21 октябрь, № 228 (8290) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Аввало, Сиз, азизларни бугунги қутлуғ айём — Ўзбек тили байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Инсон учун киндик қони томган Ватани, дунёга келтириб вояга етказган ота-онаси қанчалик азиз ва мукаррам бўлса, унинг ўзлиги ва маънавий оламини белгилайдиган она тили ҳам шунчалик қадрли ва мўътабардир.

Қадим туркий тилимизни илк бор илмий асосда тадқиқ этган буюк аллома Маҳмуд Кошғарийнинг: **“Эрдам боши тилдур”**, яъни “Барча эзгуликлар тилдан бошланур”, деган сўзларида теран ҳақиқат мужассам. Дарҳақиқат, одамзот қалбидаги жамики олижаноб фазилатлар она тилининг бетакрор мўъжизаси, сеҳри ва жозибаси билан камолга етади.

Халқимиз тафаккурининг тиниқ кўзгуси бўлган бу бебаҳо хазинани асраб-авайлаш ва ривожлантириш бугунги кундаги энг шарафли вазифаларимиздан биридир.

Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий бобомизнинг: **“Тилга эътибор — элга эътибор”**, деган доно ўгитларига амал қилган ҳолда, юртимизда тил масаласида олиб борилаётган давлат сиёсати инсон қадрини улуғлашга қаратилган туб ислоҳотларимизга ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини ошириш борасида янги босқич бошланди, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Хусусан, 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни деб белгиланганини унутилмас, тарихий воқеага айланди. Давлат тилининг нуфузи ва мақомини юксалтиришга қаратилган Фармон ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу йўналишда 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепция ва алоҳида дастур ҳаётга жорий этилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, яқинда қабул қилинган тегишли қонунларга асосан реклама ва тарғибот материалларини давлат тилида эълон қилиш тартиблари ҳамда давлат фуқаролик хизматига қабул қилишда ўзбек тилини билиш даражаси бўйича аниқ талаблар белгиланганини таъкидлаш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси таркибида Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаментининг фаолияти йўлга қўйилди. Марказда ва жойларда давлат тилини ўргатиш курслари иш олиб бормоқда.

Қисқа вақт ичида беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, ўндан ортиқ соҳага оид атамалар луғатлари, ўттиз жилдлик “Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги” тадқиқотлар мажмуаси яратилди.

Шу кунларда она тилимизда “Туркий адабиёт дурдоналари” номли юз жилдлик муҳташам тўплам нашрдан чиқаётгани, фаол ва истеъдодли ёшларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан интернет тармоғидаги ўзбекча маълумотлар электрон базаси бойитиб борилаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг сара намуналари хорижий тилларга таржима қилиниб, чет эллик китобхонларнинг ҳам эътиборини қозонмоқда. Истеъдодли олим ва ижодкорларимиз қаламига мансуб илмий ва бадиий асарлар нуфузли халқаро мукофотларга сазовор бўлмоқда.

Хорижий давлатлар ўқувчилари ўртасида Ўзбек тили ва адабиёти халқаро олимпиадасини ўтказиш йўлга қўйилгани ҳам она тилимизни кенг тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида 50 миллионга яқин киши ўзбек тилида сўзлашмоқда. Кўплаб мамлакатларда бу гўзал ва жозибали тил катта иштиёқ билан ўрганилмоқда.

Айни пайтда, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг тили, маданияти ва қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Биз бу йўналишда олиб бораётган ишларимизни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳаммамизга аёнки, кўп миллатли халқимизни юксак маърифатли жамият барпо этишдек эзгу мақсад йўлида жипслаштириш, юртдошларимиз қалбига ягона Ватан, умумий фаровон келажак туйғусини сингдиришда ўзбек тили бирлаштирувчи аҳамиятга эгадир.

Шу боис Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттириш, Учинчи юксалиш даври пойдеворини яратишга қаратилган тарихий ислоҳотлар жараёнида ўзбек тилини ривожлантириш бўйича белгилаб олган вазифаларимизни изчил давом эттиришимиз лозим.

Бугунги кунда ёшларимизнинг дунёқараши, одоб-ахлоқи ва нутқ маданиятига салбий таъсир кўрсатаётган иллатлар, айниқса, турли электрон воситалар орқали тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдидларга қарши маърифат ва илм билан самарали кураш олиб бориш ҳаётий заруратга айланган.

Бу борада ахборот-коммуникация технологияларининг тилини ўзбекчалаштириш, бутунжаҳон интернет тармоғидаги миллий сегментни янада бойитиш, ўзбек ва хорижий тиллар бўйича луғат ва сўзлашгичларнинг янги авлодини яратиш кечиктириб бўлмас вазифаларимиз сирасига киради.

Жаҳон тараққиёти ютуқлари ва қимматли манбаларни ўзбек тилига таржима қилиш орқали она тилимизни илм-фан ва инновациялар тили сифатида ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратишимиз зарур.

Шу маънода, XX аср бошида яшаб ижод қилган, ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларидаги сўзларни ўз ичига олган бебаҳо луғат китобини яратган маърифатпарвар бобомиз Исҳоқхон Ибратнинг: **“Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу Ватаний ишдир”**, деган ҳикматли сўзлари биз учун муҳим дастуриламал, ҳаёт йўлимизни ёритадиган маёқ бўлиб хизмат қилиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий ўзлигимиз ва ғуруримиз тимсоли бўлган она тилимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча фидойи ватандошларимизга чин қалбдан миннатдорлик билдираман.

Азиз юртдошлар!

Сизларни яна бир бор Ўзбек тили байрами билан самимий қутлаб, барчангизга мустаҳкам саломатлик, оилангизга қут-барака, тинчлик ва омонлик тилайман.

Она тилимизнинг сўнмас зиёси онгу тафаккуримиз, қалбларимизни ҳамиша ёритиб турсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АШХОБОДГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.**

Ашхобод халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Ботир Атдаев ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Ўзбекистон Президенти ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари эртага, 21 октябрь куни бўлиб ўтади.

**ЎзА.**

# ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК, ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК



*Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.*

Мазкур ташриф Ўзбекистон — Туркманистон стратегик шериклик муносабатлари тарихида янги саҳифа очиши, шубҳасиз. Зеро, улар замирида азалдан мустаҳкам дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш ришталари ётади. Тарихий илдизларимиз ва динимиз бирлиги, тилларимиз, маданият ва анъаналаримиз муштараклиги мамлакатларимиз ҳамкорлигининг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқин тарихга мурожаат қилсак, Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланиши билан 2017 йилда хорижга илк сафари учун Туркманистонни танлаганидан сўнг икки давлат кенг кўламли ўзаро муносабатлар бўйича яқин ҳамкорликни ривожлантирди. Ўшандан буён давлатлар ўртасида стратегик шериклик ўрнатилиб, иқтисодий ва савдо алоқалари чуқурлаштирилди.

Икки мамлакат раҳбарлари қалин ва мустаҳкам дўстлик кўприкларини бунёд этишган. Шу йилнинг ўзида Туркманистон Президенти юртимизга икки бора ташриф буюрди. Биринчиси, 14-15 июль кунлари расмий ташриф бўлса, иккинчиси, 14-15 сентябрь кунлари ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг саммити доирасидаги сафар ҳисобланади.

Ўзбекистон Президентининг Туркманистонга ташрифи икки давлат учун яхши қўшничилик муносабатларини янги суръатда давом эттиришда ва глобал инқирознинг ҳозирги шароитида жуда муҳим. Жаҳон бозорларидаги (энергия, озиқ-овқат, бошқа товарлар) мураккаб ҳолат, мавжуд транспорт-логистика занжирларининг узилиши, анъанавий ўзаро инвестициялар киритиш ва ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар, сувдан тежамкор фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик ва бошқа масалалар муҳокамаси долзарб саналади. Айниқса, минтақада хавфсизликни таъминлаш масалалари алоҳида мавзу ҳисобланади.

➡ 2

## 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

# МИЛЛИЙ ҒУРУР, ЮКСАК ШАРАФ ВА ҚАДР АЙЁМИ

*Мамлакатимизда “Инсон қадри учун” эзгу ғояси атрофида бирлашиб, юксак мақсад — демократик ва эркин янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида собитқадамлик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ва жадал ислоҳотларни халқимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Бу нафақат миллий, балки хорижий мамлакатларнинг нуфузли давлат ва сиёсат арбоблари, атоқли олимлари, экспертлари ҳамда мутахассислари томонидан ҳам кенг эътироф этилган ёрқин ҳақиқатдир.*




Ислоҳотлар жараёнида барча ташкилот ва идораларда давлат тилининг нуфузини муттасил ошириб боришга эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ.

Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

➡ 4

# ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЯНГИЛИКЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов Олтинкўл тумани Кенгаши депутатлари ҳамда маҳаллалар фаоллари билан учрашди.*

## Учрашув

Унда парламент юқори палатасининг ўттиз учинчи ялпи мажлисида муҳокама қилинган масалалар, хусусан, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти ва бугунги кундаги аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонунчиликда аҳолининг фикрини ҳисобга олиш ҳамда аҳоли пунктлари таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар)га Ўзбекистон ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми шарифини бериш тартиби аниқ белгиланмаган. Қолаверса, географик объектларга шахслар номини бериш ҳамда уларни танлаш талаблари мавжуд эмас. Бу эса географик объектлар номлари қайта-қайта ўзгартирилишига олиб келаётир.

Шу боис амалдаги Қонунга ўзгартишлар киритилмоқда. Унинг қабул қилиниши натижасида юртимиз тарихида чуқур из қолдирган шахслар, шу жумладан, жамоат ва давлат арбоблари хотирасини абадийлаштириш мақсадида улар номини географик объектларга беришда келиб чиқаётган муаммолар ҳал этилади.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда маҳалла фаоллари томонидан географик объектларга ном бериш, мулкий муносабатлар, пенсия таъминоти, пенсия тайинлаш тартибига киритилаётган янгиликлар юзасидан саволлар ва таклифлар ўртага ташланди.

Билдирилган муаммоли масалалар бўйича сенатор томонидан жавоблар берилди.

**«Халқ сўзи».**

## Нуқтаи назар

# ЎЗБЕКИСТОН ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁНИНГ ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

*Барчамизга яхши аёнки, шу йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)нинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди.*

Нуфузли анжуманда Президентимиз Шавкат Мирзиёев маданий-гуманитар алоқалар ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асосини шакллантириши, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш ШҲТ минтақасидаги тинчлик ва кенг қамровли шерикликнинг гарови эканини алоҳида таъкидлаб, ташкилот доирасида университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари қўшимча форматларни таъсис этиш ташаббусини билдирди.

Яқинда Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида минтақа мамлакатлари учун жуда муҳим йирик тадбирлар, олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтди. Президентимиз Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида авлодлар мулоқотини йўлга қўйиш ва бундай янги форматдаги илк учрашувни Самарқандда ўтказиш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишида эса Ўзбекистонда ҳар йили шахмат бўйича Ҳамдўстлик очиқ кубогини ташкил этиш ташаббусларини илгари сурди.

➡ 3

# УЛКАН МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ, ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

*21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни мамлакатимиз сарҳадлари ташқарисида ҳам кенг нишонланмоқда.*

*1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлган эди. 2020 йил 10 апрель куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни билан 21 октябрь санаси — Ўзбек тили байрами куни этиб белгиланди. Ушбу Қонун орқали ўзбек тилининг барча гўзаллиги ва бойлигини тўла намоён этиш вазифалари белгиланиши билан бирга, унинг илмий ривожланиши, халқаро миқёсда обрў-эътиборини ошириш учун кенг имкониятлар яратилди.*

## Шукуҳ

Бугун дунёда 50 миллионга яқин кишилар ўзбек тилида сўзлашади. Хорижий мамлакатларда мазкур сана муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда ўзбек тилининг халқаро обрў-эътиборини янада юксалтириш, ўзбек тилини ўрганувчилар учун зарур шароитлар яратиш, миллий тилимизда битилган энг сара адабиёт намуналарини хорижий тилларга таржимасини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

➡ 2

# МУРОЖААТЛАР ЕЧИМИДА ТАЛАБЧАНЛИК ЗАРУР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг қўшма йиғилишида Энергетика вазирлигининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётганлиги тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.*

## Эшитув

Тақдим этилган маълумотларга кўра, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида Энергетика вазирлигига 1 629 та, тизим ташкилотларига 82 минг 804 та мурожаат келиб тушган. Улар ўз вақтида кўрилиб, назоратга олинган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалар ҳал этилишини таъминлаш мақсадида жорий йилда 11 та магистраль подстанция модернизация қилиниб, уларнинг қуввати 1 616 МВА-га оширилган.

➡ 2

# ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК, ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК





1 Давлат раҳбарлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг кўплаб йўналишлари бўйича ўз позициялари юзасидан фикр алмашиш имкониятига эга бўладилар. Чунки экспертлар дунёда инфляциянинг ўсиши, айниқса, энергетика ресурслари, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларидаги узилишлар оқибатида ижтимоий муаммоларнинг кучайиши кўринишидаги инқирознинг янги тўлқини келиб чиқиши мумкинлигини башорат қилмоқдаки, ўзаро мулоқотлар бу борада самарали ечим топиш, мамлакатлар позицияларини мувофиқлаштириб олиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари доимо зиддиятлардан холи бўлиб, фақатгина серқирра ҳамкорлик руҳида ривожланиб келган. Айниқса, кейинги олти йил давомида икки томонлама алоқалар янада мустаҳкамланди. Ҳозирги кунда турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш учун улкан истиқболлар мавжуд. Олий ва юқори даражадаги ташрифлар алмашувининг фаоллашуви эса Ўзбекистон ва Туркманистоннинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланишига хизмат қилади. Жумладан, денгизга чиқиш йўли бўлмаган Ўзбекистонни Туркманистон жаҳон бозорига энг қисқа йўл билан олиб чиқиш имкониятига эга давлатдир. Ўзбекистон ҳам ўз салоҳиятидан келиб чиқиб, Туркманистоннинг газни қайта ишлаш ва агросаноат каби соҳаларда амалга ошираётган лойиҳаларида бевосита ва фаол иштирок этиши мумкин.

Ташриф доирасидаги музокараларнинг асосий мавзуси икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўлади. Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 5 баробар, яъни қарийб 1 миллиард долларгача ўсди, шунингдек, келгуси беш йил ичида уни яна икки баробарга ошириш режалари кўрилмоқда. Бу нафақат икки давлатнинг иқтисодий алоқаларини фаоллаштиради, балки халқаро бизнес учун ҳам янги имкониятлар эшигини очади. Шу нуқтаи назардан, ишлаб чиқариш кооперацияси лойиҳаларини амалга татбиқ этиш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, чегара савдо зонасини ташкил этишни назарда тутувчи Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастури барча соҳа ривожида самарали хизмат қилишига шубҳа йўқ. Бу шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Аввало, Сердар Бердимуҳамедов Туркманистон Президенти этиб сайлангач, Ўзбекистонга Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб ташриф буюрди. Бу Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги яқин алоқалар, шунингдек, Ашхободнинг Тошкент билан ҳамкорликка қаратаётган алоҳида эътиборидан далолат беради. Ташриф якунлари бўйича сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўплами имзолангани Ўзбекистон — Туркманистон муносабатларини янада ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, 14-15 июль кунларидаги ташриф доирасида 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини ривожлантириш дастурининг қабул қилингани автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат ва агросаноат соҳаларида савдо-саноат кооперациясини кенгайтириш учун қулай ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг умумий автомобиль ҳамда темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини бажаради. Буни Амударё орқали ўтувчи Туркманобод — Фараб автомобиль ва темир йўл кўприги ҳам кўрсатиб турибди. “Лебап — Бухоро” ва “Тошҳовуз — Хоразм” чегара савдо зоналарини ишга туширишни тезлаштириш бўйича келишув имзоланган. Келишилган ҳолда қўшма лойиҳа офисининг ташкил этилиши эса ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди, албатта.

Бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ҳам истиқболли. Масалан, икки давлат сув хўжалиги бўйича Ҳукуматлараро комиссия орқали сув-энергетика соҳасида ҳамкорлик қилади. Суғориш ва бошқа мақсадларда сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида Амударё бўйича битим имзоланган. Тошкентдаги Марказий Осиё халқаро институти ва Туркманистон Ташқи ишлар вазирлигининг Халқаро муносабатлар институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимга эришилган. Минтақавий хавфсизлик ва ривожланиш масалаларига конструктив ёндашувларни излашда минтақавий хавфсизлик, алоқадорлик бўйича қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, қўшма семинар ва конференциялар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳудудлараро алоқаларнинг истиқболлари нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш кераккки, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши бутун Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун янги иқтисодий имкониятларни очиб беради.

Ўзбекистон Ҳукумати ва Туркманистон Ҳукумати ўртасида Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим эса оммавий ахборот воситаларида реклама кампанияларини ўтказиш, таништирув саёҳатлари ҳамда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, туризм соҳаси вакиллари учун малака оширишларни ташкил этиш, маълумотлар алмашиниш, мавжуд комби (қўшма) туристик йўналишларни янада равнақ топтириш ва янгиларини ишлаб чиқиш, шунингдек, трансчегаравий туристик алмашинувни ривожлантириш бўйича келишилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилгани билан аҳамиятли. Мазкур битимнинг имзоланиши ва ижроси Туркманистондан Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга, Ўзбекистон туристик брендининг Туркманистон бозорида танилишига ва икки мамлакат туризми индустрияси субъектлари ўртасида алоқаларни фаоллаштиришга ёрдам беради.

Минтақада транспорт-логистика йўналишларини диверсификация қилиш мавзуси ҳам истиқболли йўналишлардан. Томонлар ўз транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш, шунингдек, мамлакатлараро ва ҳудудлараро савдо кўламини кенгайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган транспорт соҳасидаги узвий ҳамкорликни чуқурлаштиришдан бирдек манфаатдор. Икки мамлакат коммуникация тизимларини интеграциялаш Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудуди орқали ҳар икки томонга юк ташувларини амалга ошириш баробарида Яқин ва Ўрта Шарқ бозорларига қисқа йўл орқали чиқишни ҳам таъминлайди. Тарифларни янада оптималлаштириш ва ташқи савдо юкларини ташиш транзити учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган тизимли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳам рақобатбардошликни ва икки мамлакат ҳудудидан ўтадиган халқаро транспорт йўналишлари жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, томонлар Шимол — Жануб субминтақавий транспорт йўлагини узайтирадиган Ашхобод келишувини тўлақонли амалга ошириш бўйича биргаликда иш олиб боришдан манфаатдор. Бу йўналишларни диверсификация қилиш ва транзит ташувлар миқдорини бир неча карра ошириш имконини беради.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига, ушбу мамлакатни фаровон юртга айлантиришга афғон халқининг ўз давлатини сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича танлаган йўлини ҳурмат қилган ҳолда кўмаклашиш ҳам Туркманистон, ҳам Ўзбекистон манфаатларига бирдек мос келади. Бу жараёнда томонлар мазкур мамлакат билан савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ва энергетика алоқаларини сақлаб қолиш, инфратизим лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, Афғонистон халқига БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи роли доирасида ҳар томонлама халқаро гуманитар кўмак бериш зарурлиги борасида умумий қарашга эга. Шу нуқтаи назардан, бу икки мамлакатнинг ўхшаш позицияси жафокаш афғон заминини можаролар ботқоғидан олиб чиқиш, минтақадаги интеграция жараёнларига жалб этиш, узоқ кутилган тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ишига хизмат қилади.

Давлатларимиз томонидан Афғонистондаги аҳволни меъёрига келтириш учун ҳам сиёсий дипломатик саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда, иқтисодий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, умумминтақавий аҳамиятга молик транспорт лойиҳалари амалга ошириляпти ва ушбу давлат аҳолиси электр энергияси билан таъминланмоқда. Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўли, Акина — Андхой темир йўл шохобчаси, шунингдек, Сурхон — Пули Хумри, Керки — Имомназар — Андхой, Серхетобод — Ҳирот, Работкашан — Қалайнов ва Керки — Шибирғон электр узатиш тармоқлари лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилаётгани бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг яққол амалий натижасидир. Мазкур ўта муҳим лойиҳалар Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон Президентининг Туркманистонга ташрифи муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, минтақавий савдони ривожлантириш, транзит, транспорт ва энергетика соҳасидаги салоҳиятни юзага чиқариш, шунингдек, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш каби йўналишларда манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш имконини беради.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
**Урганч давлат университети ректори.**

# 364 МЛРД. СЎМЛИК 5 ТА ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ

*Парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар иштирокида “Ҳудудларда савдо инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

## Давра суҳбати

Унда Тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида ҳудудларда савдо инфратузилмасини ривожлантириш, савдо хизматлари ва йўлбўйи инфратузилмасини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бориши муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида умумий қиймати 6,1 трлн. сўмлик жами 41 та йирик савдо комплекси ҳамда Андижон (1 та), Наманган (1 та) ва Тошкент (3 та) вилоятларида 364 млрд. сўмлик 5 та логистика марказини қуриш амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ҳудудларда жорий йилда 300 дан зиёд савдо марказлари ташкил этилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар ишга туширилган 78 та савдо марказида 3 785 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Ҳудудлардан ўтган халқаро йўллар бўйида очилган 749 та янги савдо ва сервис объектида 2 875 нафар аҳоли ишли бўлди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун жами 42,7 мингта, жумладан, янги хизмат кўрсатиш ва савдо объектларини очиш учун 29,2 мингта, автомагистраль йўллари бўйида жойлашган 366 та (23 гектар) ер майдонлари аукцион савдоларига чиқарилди.

Маҳаллаларда, шу жумладан, қишлоқ жойларда кўчма савдо нуқталарини кўпайтириш мақсадида кўчма ва енгил конструкцияли савдо ва сервис шохобчалари барпо этиш учун аукцион савдоларига чиқарилган ер майдонлари сони 36,3 мингтани, жорий йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлар эса 131 фоизни ташкил қилди.

Юқоридаги тадбирлар бажарилиши назорати ҳамда ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида республика ишчи гуруҳи ҳар ойда ҳудудларда хизмат сафарида бўлмоқда. Ўрганиш якунлари бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда камчиликларга йўл қўйган жами 55 нафар мутасадди раҳбарга тегишли жазо чоралари кўрилди.

Давра суҳбатида депутатлар амалга оширилган ишларни эътироф қилиб, соҳани янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар беришди.

Қизғин савол-жавоблар билан ўтган тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан келгусида уддаланиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# АҲОЛИ МУАММОЛАРИ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

*Куни кеча Нурафшон шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов иштирокида йиғилиш ўтказилди.*

## Сенатор ва ҳаёт

Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда масъул раҳбарлар қатнашган мазкур тадбирда Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи аҳолининг ёзма мурожаатларида акс этган муаммолар кенг таҳлилдан ўтказилди.

Хусусан, сенатор фуқаролар билан уларни қийнаб келаётган муаммолар бўйича суҳбатлашди.

Мурожаатларнинг асосий қисми аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва Тошкент вилоятида жойлашган таъмирталаб кўприкларни бутлаш билан боғлиқ бўлиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

Ўз навбатида, қабул давомида мазкур мурожаатлар атрофлича ўрганиб чиқилиб, уларнинг ижроси сенатор томонидан назоратга олинди. Шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларга қонуний кўриб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

**«Халқ сўзи».**

## Анжуман

*Айрим манбаларда “XXI аср — ахборотлашган жамият асри”, дея эътироф этилади. Бу бежиз эмас. Ахборотнинг ижтимоий аҳамияти ҳам, одамларнинг унга бўлган эҳтиёжи ҳам кескин ошмоқда ва у оммавий маҳсулотга айланиб бормоқда.*

*Ахборотлашган жамиятда ахборотлар очиқ, тезкор, шаффоф ва ишончли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу жараённи тўлиқ амалга ошириш эса амалдаги қонунчиликнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларига ҳам чамбарчас боғлиқ.*

# ҚЎМИТА ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Шу маънода, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси кейинги йилларда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш ва бу борадаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар устидан парламент назоратини ўрнатишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган матбуот анжуманида эса Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг шу йил тўққиз ойлик фаолияти юзасидан журналистларга батафсил маълумотлар берилди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг тўққиз ойида қўмита томонидан 5 та қонун маромига етказилиб, Олий Мажлис Сенатига юборилди. Ҳозирги кунда 1 та қонун лойиҳаси такомиллаштирилмоқда. Қонун лойиҳаларини пишиқ-пухта ҳолатга келтириш мақсадида қўмита томонидан 44 марта ишчи гуруҳ муҳокамаси, 5 марта экспертлик гуруҳлар йиғилиши ўтказилди.

Хусусан, “Почта алоқаси тўғрисида”ги, “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги ҳамда “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун лойиҳалари юқори малакали мутахассислар ҳамда соҳа экспертлари иштирокида маромига етказилди.

Ўтган даврда қўмита томонидан қонунлар, Қонунчилик палатаси қарорлари, давлат дастурлари ижроси устидан таъсирчан парламент назорати борасида ҳам қатор ишлар олиб борилди.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ҳисобот даврида қўмита номига келиб тушган 216 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилди ва ўз ечимини топди.

Ҳисобот даврида қўмита аъзолари томонидан оммавий ахборот воситаларида 300 дан ортиқ тарғибот чиқишлари амалга оширилди. Улардан 117 таси телеканалларда, 24 таси радиоканалларда, 68 таси босма нашрларда, 98 таси турли интернет сайтларида, шунингдек, ижтимоий тармоқларда 4 мингдан зиёд чиқишлар қилинди.

Тадбирда ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

**Азамат НЕЪМАТУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси котибиятининг катта референти.**

# МУРОЖААТЛАР ЕЧИМИДА ТАЛАБЧАНЛИК ЗАРУР

1 Шунингдек, паст кучланишли тармоқларни янгилаш ва модернизация қилиш дастури доирасида 4 320,7 км. электр узатиш тармоқлари, 537 та трансформатор пункти янгидан қурилди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 2 727,3 км. электр узатиш тармоқлари ҳамда 665 та трансформатор янгиланган ва таъмирланган.

Таъкидланганидек, аҳолига табиий газни барқарор етказиб бериш мақсадида жорий йилда 11,8 км. магистраль газ қувурларининг нуқсонли қисми алмаштирилган, 17 та газ тақсимлаш станцияси реконструкция қилиниб, 89 та компрессор станциясида газ ҳайдаш агрегатлари, шунингдек, табиий газ таъминоти бўйича 157,3 км. газ тармоқлари ва 299 та газ тақсимлаш пункти мукаммал таъмирланган. Бундан ташқари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 403,8 км. газ тармоқлари, 998 та газ тақсимлаш пунктини жорий, мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган.

Депутатлар аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, бензин ва метан ёнилғиси таъминоти билан боғлиқ бир қатор масалалар борасидаги мурожаатлар, сайлов округларида сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган масалалар ҳамда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан муҳокамага сабаб бўлаётган муаммоларга эътибор қаратиб, уларни ҳал этиш юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда вазирликка фуқаролардан келиб тушган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг белгиланган муддатларда сифатли ижросини таъминлаш юзасидан назоратни янада кучайтириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Тадбир якунида тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# УЛКАН МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ, ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

1 Ана шундай тадбирлардан бири Малайзияда ўтказилди. Мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонаси томонидан Ўзбек тили байрами куни муносабати билан уюштирилган давра суҳбатида ўзбекистонлик фаол ёшлар, хусусан, Осиё — Тинч океани технологиялар ва инновациялар, Лимкоквинг, Линкольн, Сеги, Сайбержая университетлари ва бошқа олий билим юртларида таҳсил олаётган ёш ватандошлар иштирок этишди.

Тадбир қатнашчилари ўзбек тилини ривожлантириш, уни бойитиш ҳамда келажак авлодга етказиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар билан танишди. Шу билан бирга, Малайзия ҳудудида таълим олаётган ёш ватандошларимизнинг ўзбек тили ва адабиётини ўрганиши учун элчихона биносида ҳамда ушбу давлат Миллий кутубхонасида ўзбек маданияти ва адабиёти бурчаги ташкил қилинганлиги, уларда мавжуд адабиёт ва даврий нашрлардан фойланиш имкинлиги қайд этилди.

Давра суҳбати якунида маҳаллий аҳоли орасида ўзбек тилини кенг тарғиб қилиш, миллий тилимизни ўргатиш бўйича курслар очиш ҳамда Малайзияда “Ўзбек тилининг дўстлари” клубини ишга туширишга келишиб олинди.

Ўзбекистоннинг Мисрда дипломатия ваколатхонаси кўмагида Ўзбек тили байрами куни арафасида таниқли ўзбек шоир ва ёзувчиларининг инглиз ва араб тилларида чоп этилган китоблари тақдимоти ўтказилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ҳулкар Ҳамроева, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, шарқшунос олим Муртазо Сайдумаров, “Inside Kashkadarya” журнали бош муҳаррири Асрор Аллаёров, шунингдек, Миср матбуот уйи вакиллари, фаол ватандошлар иштирок этди.

Тақдимот чоғида мамлакатимизда таржимонлик соҳасида эришилаётган муваффақиятлар натижаси ўлароқ, хорижлик, хусусан, араб шоир ва ёзувчилари асарлари ҳам ўзбек тилига ўгирилиб, ўқувчилар жаҳон адабиёти намуналаридан баҳраманд бўлаётгани алоҳида қайд этилди. Муртазо Сайдумаров араб ва ўзбек адабиётидаги умумийликлар ва модернизм жараёнлари, асарлар таржимасидаги ўзига хос жиҳатлар, ўзаро бадиий ҳамкорлик истиқболлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилди.

Ўзбекистоннинг Оқтов шаҳридаги Бош консулхонасида ҳам Ўзбек тили байрами кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар мамлакатимизда ўзбек тили ва маданиятини юксалтириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг қабул қилиниши тарихи билан яқиндан танишди.

Ўзбек тилининг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз давлат тили нафақат ўзбекистонликлар ҳаётида, балки жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий минбарида, йирик саммит ва учрашувларда нутқ-маърузалар ўзбек тилида жаранглаётгани қайд этилди. Айни чоғда Ўзбекистон ҳукумати томонидан чет элликлар учун махсус дарсликлар, луғат ва қўлланмалар, видео ва аудио материаллар ишлаб чиқариш ишларини фаоллаштириш чоралари кўрилаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир иштирокчилари сўнгги йилларда ўзбек тилининг халқаро мавқеи ошиб бораётгани ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб, ўзбек тилидаги шеърлардан намуналар ўқишди.

Ўзбек тили байрами куни муносабати хорижий мамлакатларда ишлаётган ва таҳсил олаётган ватандошлар, шунингдек, миллий тилимизни ўрганаётган чел эл фуқаролари ҳам халқимизга ўз қутловларини йўлламоқда.

**Аҳрор БОҚИЖОНОВ,**
Инти университети талабаси (Малайзия):



— Бугун Ўзбек тили байрами нафақат республикамизда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, Малайзияда ҳам муносиб тарзда нишонланаётганлигидан хурсандмиз.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ҳамда мавқеини ошириш, уни сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўллашга алоҳида эътибор қаратилаётгани барчамизни қувонтиради.

Она тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеини юксалтириш учун биз, талаба-ёшлар ҳам ўз ҳиссамизни қўшишга интилмоқдамиз.

Барча ватандошларни Ўзбек тили байрами куни билан самимий муборакбод этаман.

**Салмон АЗМИЙ,**
Деҳлидаги “Ўзбек тили дўстлари” клубининг аъзоси (Ҳиндистон):



— 21 октябрь куни Ўзбекистонда Ўзбек тили байрами кенг нишонланади. Мен ушбу миллий байрам билан барча ўзбекистонлик дўстларимни табриклайман. Ўзбек тили ҳинд, урду, форс ва араб тиллари каби жуда бой тил ҳисобланади. Бизнинг тилларимиз ўртасида беш мингдан ортиқ умумий сўзлар бор. Ўзбек тилида буюк Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқа алломалар ижод қилган.

Мен Жомия Миллия Исломия университетида очилган “Ўзбек тили дўстлари” клубининг аъзосиман. Ҳозирги пайтда Ҳиндистонда ўзбек тилига қизиқиш тобора кучайиб боряпти. Биз бундан жуда ҳам хурсандмиз.

Жомия Миллия Исломия ва Жавоҳарлал Неру университетларида ўзбек тили курслари бор. Яқинда Деҳли университетида ҳам шундай курслар очилади.

Фурсатдан фойдаланиб яна бир бор бутун дунёдаги ўзбек тилида сўзлашувчиларни ушбу байрам билан табриклайман.

**Дилноза КАЛОНОВА,**
Хангук хорижий тиллар университети ҳамда Хонам университети ўзбек тили ўқитувчиси (Жанубий Корея):



— Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулки ҳисобланади. Дунёнинг қадимий ва бой тилларидан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзига хослик ва давлат мустақиллигининг рамзи, улкан маънавий қадриятдир.

Янги Ўзбекистон учинчи Ренессанс пойдеворини яратар экан, биз учун бу йўлда энг катта куч ва маънавий шижоат манбаи, энг аввало, фахру ифтихоримиз рамзи бўлган она тилимиз, унинг бетакрор таровати, она алласидек ёқимли жозибасидир, десак, сира муболаға бўлмайди. Зотан, аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзларини айтиб келган. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадиий дурдоналарни яратган.

Бугунги кунда Ер юзида 6 мингга яқин тиллар мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Шулардан бири бизнинг она тилимиз экани барчамизга ифтихор бағишлайди.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида салкам 50 миллион кишига етди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

Айни пайтда Жанубий Кореядаги етакчи олий таълим муассасаларидан ҳисобланган Хангук хорижий тиллар университети ва Хонам университетида кореялик талабаларга ўзбек тилидан дарс бериб келаман. Кореялик талабаларда ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиш жуда катта. Масалан, Хангук хорижий тиллар университетининг Марказий Осиё кафедрасида 60 нафар талаба ўзбек тилини ўрганмоқда.

Университетда ўзбек тилини ўрганган кореялик талабаларнинг умумий сони 300 нафардан ошади. Улар завқ-шавқ, катта қизиқиш билан она тилимизни ўрганишмоқда. Бу ҳам тилимизнинг нақадар жозибадор эканлигидан далолат беради. Қолаверса, ҳар йили 21 октябрь санасини Хангук хорижий тиллар университетида ўзбек тилини ўрганаётган талабалар ҳам хурсандчилик билан нишонлашади.

Жанубий кореялик талабаларга ўзбек тилидан дарс берар эканман, уларни Ватанимизнинг тарихи, маданияти, кўҳна қадамжолари, ўз илми, дунёқараши билан жаҳон аҳлини лол қолдирган алломалари ҳақидаги муҳим маълумотлар билан таништириб бораётганимдан фахрланаман.

**«Дунё»» АА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁНИНГ ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА



1 Орадан бир неча кун ўтган бўлса-да, бежиз эсламаганимиз — ушбу нуфузли анжуманларда янграган Ўзбекистон ташаббуслари ҳануз халқаро ҳамжамият диққат-эътиборида турибди. Экспертлар мамлакатимиз Президенти томонидан билдирилган ташаббусларни юқори баҳолашар экан, улар яқин келажакда ўз ҳаётий ифодасини топишига ишонч билдирмоқдалар. Ва айни чоғда, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги қиёфаси тубдан ўзгаргани, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва демократикислоҳотларнинг намунаси сифатида намоён бўлаётгани эътироф этилаётир.

Умуман, бугунги халқаро вазиятни таҳлил қиладиган бўлсак, сиёсий принциплар ўзгараётгани, минтақавий вазиятлар тобора жиддийлашиб бораётганини англаш қийин эмас. Шундай мураккаб вазиятда ҳам Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда халқаро спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаётгани нафақат Тошкент, балки вилоятлар ҳам бундай нуфузли тадбирларга мезбонлик қилаётгани замирида янги Ўзбекистоннинг ҳаётбахш руҳи намоён.

Бу бир томондан, Ўзбекистондаги барқарор тараққиёт, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро аҳиллик муҳити дунё эътирофида бўлиб турганини англатса, иккинчи томондан, инсониятга янги ҳаёт бағишловчи тараққиёт руҳи қадим манзилига қайтиб келаётганидан муждадир.

Фикримизни мисоллар билан мустаҳкамлаймиз. Яқинда нуфузи бўйича Олимпия ўйинларидан кейинги ўринда турадиган муҳим мусобақа — дзюдо бўйича жаҳон чемпионати Тошкентда бўлиб ўтди. Бу мусобақа Ўзбекистон спорти тарихида алоҳида саҳифа очди. Боиси Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Humo Arena” спорт саройига ташриф буюриб, эркаклар ўртасида 90 килограммгача бўлган вазн тоифасида финал беллашувини кузатди. Юртдошимиз Давлат Бобонов ва чет эллик бошқа совриндорларга медалларни шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзи топширди.

Президентимизнинг ушбу мусобақага ташрифи юртимизда спортга қаратилаётган эътибор мутлақо янги босқичга чиққанига яна бир яққол мисол бўлди. Давлатимиз раҳбарининг “Humo Arena”га ташрифидан бир кун ўтиб ҳамюртимиз Музаффарбек Тўрабоев ҳам оғир вазнда дзюдо бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Ўша дақиқаларда Президентимиз давлат аҳамиятига молик йиғилиш ўтказаётган эди. Давлат раҳбарига муҳим ғалаба ҳақида хабар киритилди. Шавкат Мирзиёев йиғилишни тўхтатиб, юзида табассум билан ғолиб спортчимизни табриклади.

Шу икки воқеанинг ўзи Ўзбекистондаги янги спорт муҳити ва юксалиш руҳи улғайганини англатади. Буни нималарда кўрамиз?

Аввало, спортга адолат қайтганида. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Президентимиз барча соҳада адолатли сиёсат юритишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг самарасига ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти яхшиланганида, турмуш юки енгиллашганида, турли соҳаларда эришилган муваффақиятлар мисолида гувоҳ бўлиб турибди. Шу жумладан, спорт соҳаси ҳам. Ўтган қисқа даврда ўзбекистонлик спортчилар оламшумул натижаларни қўлга кирита бошлади. Хусусан, навқирон шахматчиларимиз, боксчимиз Баҳодир Жалолов, дзюдочимиз Давлат Бобонов ҳамда ёш футболчиларимиз эришган муваффақиятлар замирида адолат тантанаси турибди.





Иккинчидан, спорт-соғломлаштириш муҳити пайдо бўлганида. Кейинги йилларда мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзган соғлом турмуш тарзи бугун халқимиз онгу тафаккури маҳсулига айланди. Аввало, Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси билан қўр олган чора-тадбирлар, кўп ўтмай умумхалқ ҳаракатига айланди. Хусусан, маҳаллаларда ҳам спорт-соғломлаштириш муҳити пайдо бўлди. Маҳаллалар кесимида ўтказилиши яхши анъанага айланган спорт мусобақалари кўплаб ёш иқтидор эгаларини, ҳақиқий чемпионларни, асл полвонларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

Учинчидан, моддий-техник база яхшиланганида. Мамлакатимиз спорт мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ҳам мутлақо янги манзара пайдо бўлди. Спорт таълими тизими ўзгарди, янги адабиётлар билан бойиди. Мураббийларга эътибор кучайди, уларнинг моддий таъминоти сезиларли яхшиланди. Бу яхшиликлар, албатта, янги марраларни забт этишда муҳим асос бўлди.

Тўртинчидан, эътибор ва рағбат тизими ўзгарганида. “Инсон қадри учун” тамойили мамлакатимизнинг катта спорт оиласига ҳам кенг татбиқ этила бошланди. Эътиборсиз ҳеч бир соҳа ривожланмаслиги, рағбатсиз инсонни руҳлантириб бўлмаслиги аён ҳақиқат. Шу маънода, жаҳон миқёсидаги спорт мусобақалари ғолибларини, Олимпия ўйинлари чемпион ва совриндорларини, уларнинг мураббийларини муносиб рағбатлантиришга Президентимизнинг шахсан ўзи эътибор қаратмоқда. Бундай ғамхўрлик мамлакатимизда спортчиларнинг янги авлоди шаклланишига катта мотивация бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг ўзи ҳар бир спортчимизнинг ҳаётига, улар қўлга киритаётган ютуқларга бефарқ эмас экан, бу юксак эътиборга ўз навбатида, биз ҳам, ёшларимиз ҳам муносиб бўлишимиз керак. Шундагина биргаликда саъй-ҳаракатларимиз бугунгидан-да катта натижалар бериши, Ўзбекистон ўзгараётган дунёнинг тинчлик элчиси сифатида намоён бўлишига янада мустаҳкам замин яратган бўламиз.

**Маҳмуд БОЛТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори.**

## Мулоҳаза

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитидаги нутқида озиқ-овқат хавфсизлиги масаласига эътибор қаратар экан, ШҲТ майдонида бу борада ҳали жиддий ҳамжиҳатлик йўлга қўйилмаганлигини таъкидлади. Шу боис озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва қайта ишлаш, тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантириш, самарали логистика, “яшил” ва экспресс-йўлакларни очишга жиддий эътибор қаратишга чақирди.*

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ НАФАҚАТ МАҲАЛЛИЙ, БАЛКИ ГЛОБАЛ МАСАЛА



Шу йил 14-15 октябрь кунлари Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида ўтказилган “Озиқ-овқат хавфсизлиги: глобал ва миллий муаммолар” мавзуидаги IV халқаро илмий-амалий анжуманда бунга алоҳида эътибор қаратилди.

Аввало, айтиш жоиз, Самарқанд давлат университетида Бутунжаҳон озиқ-овқат куни муносабати билан халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш анъанага айланган. Ҳар йили форумда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун нуфузли хорижий олимлар, профессорлар, халқаро ташкилотлар ва дунёнинг етакчи таълим муассасалари вакиллари, ёш тадқиқотчилар тўпланади.

Бу йилги анжуманда АҚШнинг Гарвард ва Вашингтон университетлари, Россиянинг Томск давлат университети, Санкт-Петербург политехника университети Биотиббиёт тизимлари ва биотехнологиялари институти, Покистоннинг Қуаиди Аъзам университети профессорлари, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, “VetVitles LLC” компанияси, Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбарлари, таниқли олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этишди.

Тадбир давомида қатнашчиларнинг коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон ва жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш концепциясини амалга оширишнинг муҳим масалалари ва муаммолари, стресс омиллар таъсиридаги ноқулай минтақаларда табиий ресурслардан барқарор фойдаланишнинг устувор йўналишлари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда замонавий био ва агротехнологияларни қўллашнинг аҳамияти, озиқланиш ва овқат ҳазм қилиш соҳасидаги янги тадқиқотлар каби бугунги куннинг муҳим масалалари юзасидан маърузалари тингланди ҳамда муҳокама қилинди.

— Халқаро анжуманда “Ёввойи меваларнинг парҳез бирикмаларини таҳлил қилиш: озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарорлигига қўшган ҳиссаси” номли маърузам билан иштирок этдим, — дейди Покистоннинг Қуаиди Аъзам университети профессори Муҳаммад Зафар. — Озиқ-овқат хавфсизлиги нафақат маҳаллий, балки глобал муаммодир. Бу каби тадбирлар қашшоқлик, очарчиликнинг олдини олишга хизмат қилади. Самарқандда анъанавий тарзда ўтказилган анжуман озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларига ечим топишда дастлабки қадам бўлишига ишонаман. Қолаверса, халқаро ташкилотларнинг бир ерда жам бўлиши келажакда соҳа бўйича ҳамкорлик ишларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

— Таниқли олимлар ва нуфузли ташкилотлар иштирокидаги халқаро конференция долзарб муаммоларни ҳал этиш учун илмий асос бўлади, — дейди Вашингтон университети профессори Томас Лампкин. — Анжуманда қатнашиш учун океанортидан келдим. Маърузам мавзуси — “Иқлим ўзгариши ва агроэкотизимларнинг маҳсулдорлиги”. Айтиш жоизки, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси иқлим ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ. Агар ушбу муаммоларнинг ечимини маълум миқдорда ҳал қилсак, миллионлаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолган бўламиз.

Анжуман доирасида БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура талабалари ўртасида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги энг яхши инновацион тадқиқот ишлари учун танлов ўтказилди. Тадбир якунида мутахассислар томонидан эътироф этилган ғолиблар муносиб тақдирланди.

**Бегали АЛИҚУЛОВ,**
**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети докторанти, доцент.**

## Маҳаллий Кенгашларда

# ДЕПУТАТЛАР ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ БЎЛИШИ КЕРАК

*Яқинда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.*

*“ZOOM” платформаси орқали ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси Қ. Турсунов, ҳудудлардан сайланган сенаторлар, депутатлар ҳамда тегишли корхона, муассаса ва бошқармалар раҳбарлари иштирок этди.*

Сессия давомида 9 та масала кўриб чиқилди.

Дастлаб Сенатнинг ўттиз учинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ҳамда кўрилган бошқа масалаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти чуқур тушунтирилди. Хусусан, пенсия таъминоти ва унга киритилаётган қўшимчалар ҳақида сўз юритиларкан, бундан кўзланган асосий мақсад ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш эканлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, сессияда маҳаллий Кенгаш депутатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун хизмат қиладиган йўналишларга сарфланишида фаол бўлиши кераклиги таъкидланди.

Сессия якунида қатнашчилар томонидан билдирилган такифлар умумлаштирилган ҳолда, Сенат қўмитаси мажлисида экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида муҳокама қилиниши белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## Қонун ва ижро

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун нормалари ижросини Навоий вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.*



# АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ АСОСИЙ МАНБАЛАР

Унда қайд этилганидек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 79-мақсадида атроф-муҳитга таъсир хавфи юқори даражадаги объектларнинг ифлослантирувчи манбаларидан автоматик равишда намуналар олиш тизимини татбиқ этиш, табиатнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, борлиқни кузатиш, унга ташламалар даражасини прогноз қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-муҳитга таъсири устидан мониторингни амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланган.

Таҳлилларга кўра, металлургия, энергетика корхоналари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, нефть-газ ва кончилик саноати корхоналари ҳамда автотранспортлар мамлакатда атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манбалар эканлиги маълум бўлмоқда.

Навоий вилоятида ҳавони булғовчи манбалар ҳолати бўйича ўтказилган ўрганишлар мобайнида 2019 йилда 43,6 минг тонна, 2020 йилда 48,4 минг тонна, 2021 йилда эса 69 минг тонна чанг ва зарарли газлар ҳавога чиқарилганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, вилоятда барча тоифага мансуб 823 та назоратдаги корхона мавжуд. Шундан 811 та корхонада “Рухсат этилган чегаравий ташламалар” меъёрий лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлса, 12 та корхонада ушбу ҳужжатнинг муддати ўтган. Назоратга олинган 823 та корхонада 2 619 та ифлослантирувчи манба рўйхатга олинган. Шундан 816 таси ташкиллаштирилган. Саноат корхоналаридан атмосфера ҳавосига ташланадиган ташламаларни ушлаб қолиш ва зарарсизлантириш учун 521 чанг-газ тозалаш ускунаси ўрнатилган.

Бундан ташқари, 2022 йилда 14 та ишлаб чиқариш корхонаси томонидан экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган умумий қиймати 16,2 млрд. сўм бўлган дастурлар амалга оширилди. Натижада 2,5 минг тонна зарарли моддаларнинг атмосфера ҳавосига ташланишининг олди олинди.

Йиғилишда депутатлар томонидан соҳада давлат назоратининг самарадорлигини янада ошириш, атмосферага зарарли моддалар чиқаришни камайтириш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилди.

Тадбир якунида соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга оид қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# МАРҲАМАТДА ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ

*Андижон вилоятининг Марҳамат тумани қўшни Қирғизистон билан чегарадош. Унинг 14 та маҳалласи мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидан саналади.*

*Табиати сўлим, хушманзара бу маҳаллаларда сўнгги уч йилда кенг қулоч ёзган бунёдкорлик ишлари марҳаматликларнинг турмуш шароитида, орзу-мақсадларида янги саҳифа очди, десак, янглишмаймиз. Зеро, юртимизда барча жабҳада рўй бераётган ўзгаришлар, аввало, инсон учун яратилаётган қулайликларнинг ёрқин ифодаси бўлаётир.*



## Бунёдкорлик

### Таъмирталаб йўллар қолмайди

Марҳамат тумани ҳокими ўринбосари Дилхуш Исмоиловнинг айтишича, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, энг аввало, йўлсозлик соҳасига устувор эътибор қаратилмоқда. “Зотан, ҳар қандай ободлик йўл таъмиридан бошланади”, дейди у биз билан суҳбатда.

Шундай қилиб, ҳозирги кунга қадар тумандаги 11 маҳалла фуқаролар йиғинида жами 31,2 километр масофадаги ички йўлларга шағал тўкилиб, 6,82 километр кўчаларда бетон ётқизиш ишлари амалга оширилди. Йил якунига бориб, барча ички йўллар асфальт ҳамда бетон қоришмаси билан қопланади. Чанг, лой ва шағал йўллар энди тарихда қолади.

— Бу каби равон йўлларни телевизорларда кўрардим, — дейди Увайсий номидаги МФЙда истиқомат қилувчи Ойшахон Тўраева. — Тўғриси, абгор йўлларда юришга ўрганиб қолганимиздан асфальт йўлдан умид ҳам қилмай қўйгандик. Шукр, ҳокимият вакиллари маҳалламизда бўлиб, турмуш шароитимизни ўрганишгач, катта ўзгаришлар рўй берди. Электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминотидаги узилишлар тўхтади. Маҳалламизнинг ўзида 10 километрдан ортиқ ички йўл қайта таъмирланди.

Чиндан ҳам, Марҳаматда йўллардаги носозликларга, ҳайдовчи ва пиёдалар ҳаракатланишидаги ноқулайликларга барҳам бериш борасида қилинаётган ишлар эътирофга лойиқ. Асакадан Марҳамат тумани сари отланаркансиз, кенг, текис, равон йўлдан ҳар қандай автоуловда “ичингиз тўкилмай” етиб оласиз.

— Булоқбоши ва Марҳамат туманларини боғлаб турувчи “Ўқчи” МФЙдан ўтувчи автомобиль йўлидан бир кунда бир неча маротаба қатнайман, — дейди ҳайдовчи Султонмурод Ҳайдаров. — Аввалари ўнқир-чўнқир, таъмирталаб йўллар боис манзилга бир оз кечикиб келардик. Қаранг, ҳозирги йўлларни, сифатига гап йўқ. Бугун нафақат туман марказлари, балки чекка қишлоқларга ҳам эътибор қаратила бошланганидан хурсандмиз!

Туманда жорий йилнинг ўзида Шаҳрихон — Асака — Марҳамат — Қизилқия, Марғилон — Қува — Марҳамат — Аравон, Хўжаобод — Булоқбоши — Кулла — Ўқчи автомобиль йўналишларида жами 7,5 километр масофада жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунинг эвазига нафақат марказий, балки ҳудудлараро ёндош ички ҳаракатланувдаги йўллар ҳам соз ҳолатга келтирилди.



### Сув келтирган элда азиз

Яқин-яқингача Марҳамат тумани Андижон вилоятида тоза ичимлик суви таъминоти бўйича энг оғир ҳудудлардан бири эди. Энди бунинг тамомила аксини кўрасиз. Жорий йилнинг ўзида туман маҳаллаларида 40,52 километрлик ичимлик суви тармоғи тортилиб, 8 та сув қудуғини қуриш ишлари бажарилди.

— Бунинг натижасида сув таъминотида узоқ йиллардан буён тўпланиб қолган муаммолар ижобий ечим топди, — дейди “Андижон сув таъминоти” МЧЖ Марҳамат тумани филиали раҳбари Хайрулло Ашуров. — Жумладан, Кончилар, Увайсий, Оқбош, Янги ҳаёт каби маҳаллаларда сув таъминоти барқарорлашди. Ҳозирги кунда “Янги ҳаёт” МФЙда сув тозалаш иншооти барпо этилмоқда. Лойиҳа фойдаланишга топширилгач, тумандаги ичимлик суви таъминоти янада ортади.

Шунингдек, ҳудудда 45,587 миллиард сўмлик лойиҳа асосида шу кунгача 18,5 километр масофага оқова сув тармоғи тортилди.

### Таъминотда узилиш бўлмайди

Куз-қиш фасли яқинлашгани сари аксар марҳаматликларни бир ташвиш қийнарди. У ҳам бўлса, табиий газ таъминотидаги узилишлардир. Бу узилишларни бартараф этиш мақсадида 1,2 километр газ тармоғида таъмирлаш ишлари бажарилиб, 11 дона газ тарқатиш қурилмаси мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

— Тўғри, туманимиздаги барча хонадон ҳам табиий газ таъминотидан баҳраманд эмас, — дейди Марҳамат тумани ҳокими ўринбосари Дилхуш Исмоилов. — Ана шундай 335 хонадонга янги маиший газ баллонлари тарқатилди. Қишда маҳаллаларимиздаги ҳар бир хонадонда “зангори олов” ёниб туриши, аҳоли, айниқса, кекса ёшдагилар, аёллар ва болалар қийналмаслиги учун зарур чораларни кўрмоқдамиз.

Бугун туманнинг қай манзилида бўлманг, марҳаматликларнинг хурсандликдан айтадиган бу сўзларида заррача муболаға йўқ.

— Электр таъминотидаги узилишлар кимни ранжитмаган, дейсиз, — дейди “Кончилар” МФЙда яшовчи Одил Сулаймонов. — Салгина шамол эсса, тамом, уйда чироқ ўчарди. Айниқса, оила жам бўлиб, энди кечки овқатга қўл чўзишинг билан “лип” этиб чироқ ўчса, хона тугул қалбимиз ҳам зимистонга айланарди. Бугун ҳамма нарса бошқача. Болалар бемалол ёруғда дарс қилишади, китоб ўқишади. Аёлларимизнинг ҳам рўзғор юмушлари енгиллашган. “Мана, бўларкан-ку!” деймиз электр энергиясида узилиш бўлмаётганини кўриб. Одамларни рози қилиш йўлидаги бу каби хайрли ишларни, ён-атрофимиздаги ўзгаришларни кўриб, янада қувонамиз.

Маълумотларга кўра, Марҳамат тумани маҳаллаларида ўтган даврда 33,7 километрлик электр тармоғи тортилиб, 500 дан ортиқ темир-бетон устунлар. 31 янги трансформатор ўрнатилди, қолганларида таъмирлаш ишлари бажарилди.

Фақат бугина эмас, туманда ижтимоий соҳа инфратузилмасини яхшилаш, алоқа сифатини ошириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини рўёбга чиқариш йўлида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқдаки, бу энди алоҳида мавзу.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МИЛЛИЙ ҒУРУР, ЮКСАК ШАРАФ ВА ҚАДР АЙЁМИ

← 1 Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ва халқаро миқёсдаги обрў-эътибори изчил юксалиб бормоқда. Унинг униб-ўсиб келаётган авлодни Ватанга, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашдаги ўрни ҳамда аҳамияти янада ошяпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинган кун — 21 октябрь санасининг "Ўзбек тили байрами куни" деб қонунан белгиланиши ва ҳар йили кенг нишонлаб келинаётгани мамлакатимизнинг янги тарихи, янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган буюк ислоҳотларнинг юксак самараси, мустақил Ватанамиз ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ҳаётидаги улкан воқеадир.

## Эъзоз ва эътибор

Ўзбек тили ўзининг қадимий ва бой тарихида ҳеч қачон давлат ва жамиятнинг ҳозиргидек юксак эъзоз-эътибори ва ғамхўрлигига сазовор бўлмагани аён ҳақиқатдир. Бугун дунёда эллик миллионга яқин кишилар Алишер Навоийнинг тилида сўзлашади. Минглаб олий ва ўрта таълим муассасалари, жумладан, хориждаги билим даргоҳлари ҳамда марказларида ўзбек тилини астойдил, севиб ўрганаётган бошқа миллатлар вакилларининг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг давлат тилини ўрганиш ва унга эҳтиром кўрсатишга халқаро миқёсда ҳам сезиларли даражада эътибор ошди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, хорижлик элчилар, тадбиркорлар ва чет эллик ёшлар ўртасида ўзбекча гапириш, ўзбек миллий куй-қўшиқлари, рақслари, либосларига меҳр қўйиш анъана тусини олмоқда.

Бу "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" дадил қадам қўйган янги Ўзбекистонда давлат тили бўйича юритилаётган халқпарвар ва тинчликпарвар давлат сиёсатининг юксак самараларидандир.

Номи қайд этилган Фармонга биноан она тилимизнинг истиқболдаги тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида маънавият ва давлат тилини ривожлантириш учун масъул алоҳида департамент фаолиятига асос солингани ҳамда давлат тилини жорий этиш бўйича ислоҳотларнинг тизимли ва изчил йўлга қўйилганининг ўзи айни самараларга яна бир мисолдир.

Ўз вақтида ва узоқни кўзлаб ташкил қилинган ушбу янги тузилма бугун давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан доимий мониторингни амалга ошириш, соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шаклларини жорий қилиш борасидаги ишлар кўламини тобора кенгайтираётганини халқимиз ҳар қадамда кўриб-билиб ва ҳис қилиб турибди.

Қисқа муддат ичида барча давлат органлари, вазирлик, ҳокимлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти самарали йўлга қўйилди. Бошқача айтганда, энди давлатимизнинг юқоридан қуйигача бўлган мавжуд ташкилотларида давлат тилига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича масъул ваколатли вакиллари фаол иш олиб бормоқда. Улар ўз сафига ўзбек тили бўйича етук мутахассислар — шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунослар ва журналистларни бирлаштирган.

Ўзбек тили байрами — она тилимизни шарафлаш, унинг қаддини ва қадрини янада юксалтириш айёмидир. Айни пайтда бу байрам давлат тилининг Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг севимли тилига, маънавий эҳтиёжига, фахр-ифтихорига, Мустақиллик, Наврўз айёмлари, Конституция куни, Ўқитувчи ва мураббийлар куни каби умумхалқ байрамлари, элулусни бирлаштирувчи, ҳамжиҳатликка чорловчи, юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

## Ўзгаришлар кўлами

Жойларда давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг, самаралари эса юксакдир.

Йўқ, бу шунчаки, расм-одат учун айтилаётган гап эмас. Узоққа бормай, интернетнинг ижтимоий тармоқларига киринг ва икки-уч йилнинг нари-берисида, тилмоч топилиши гумон хорижда эмас, пойтахтимиз Тошкентда ўтган чоғроқ халқаро анжуманда Ўзбекистоннинг бир вазири давлат тилида гапирганига доир шов-шувли хабарларга кўзингиз тушади: "Офарин ва тасанно! Ўзбекча гапирди-я! Қойил!"

Бугун бундай ҳайратомуз гаплару саволларга ўрин қолмади. Давлатимиз раҳбари томонидан ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш бўйича белгилаб берилган аниқ ҳамда қатъий вазифаларнинг ижроси изчил таъминланмоқда. Шавкат Мирзиёев бу борада ҳам барчамизга шахсан ўзи ибрат кўрсатаётганини алоҳида таъкидлашга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз.

Президентимиз 2021 йил 21 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлагани она тилимизнинг халқаро нуфузини чандон оширди. Ўзбек тили яқин-яқинларгача уй-рўзғор тили, расмий доираларда эса таржима тили бўлиб келганини эсласак, давлатимиз раҳбарининг бу ташаббуси нақадар улкан тарихий аҳамиятга эга экани янада ёрқин намоён бўлади.

Давлат тилини амалда қўллаш, тарғиб қилиш ва ўрганиш ҳақида фикр юритар эканмиз, яна бир мисолни четлаб ўтолмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг ижроси юзасидан ўтказилган ички мониторинг ва ҳужжатлар хатлови натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, турли миллат вакиллари меҳнат қиладиган жамоанинг барча аъзолари давлат тилини пишиқпухта билади. Ўзбек тилида иш юритиш мавжуд қонунчилик талаблари асосида ташкил қилинган.

Қайд этиш ўринлики, давлат тилига оид қонунчилик талабларига риоя қилиниши юзасидан бундай кенг кўламли ўрганиш, таҳлил ва таққослар Марказий сайлов комиссияси тарихида илк бор ўтказилди.

Комиссиянинг мажлислари, матбуот анжуманлари, брифинглар, конференциялар, семинарлар, халқаро тадбирлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, жумладан, хорижлик журналистлар иштирокида очиқ-ошкора ва давлат тилида ўтказилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар олимлар, экспертлар ва мутахассислар иштирокида ўзбек тилида ишлаб чиқилади, муҳокама этилади, лингвистик экспертизадан ўтказилади ва қабул қилинади.

Марказий сайлов комиссияси бланкалари, муҳрлари, штамплари, реквизитлари, шунингдек, комиссия биносида ўрнатилган барча ташқи ёзувлар, жумладан, эълонлар, кўргазмали бошқа ахборот матнлари давлат тилида ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтказилган.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти имзолаган фармойишлар, баённомалар, дастурлар, ички низомлар, йўриқномалар, топшириқномалар ҳамда комиссия томонидан қабул қилинган ва тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар — қарор, низом, баённома, йўриқнома, топшириқнома, ахборотномалар "Давлат тили ҳақида"ги Қонун талабларига биноан чиқарилади.

Шунингдек, миллий сайлов тизимига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мақолалар, маърузалар ҳамда сайловларга оид халқаро янгиликлар Марказий сайлов комиссиясининг расмий сайти (elections.uz) ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали давлат тилида ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида мунтазам ёритиб борилмоқда. Сайлов соҳасига оид халқаро сўзлар ва атамаларнинг давлат тилидаги муқобилларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда.

## Майда ишнинг ўзи йўқ

Комиссия фаолиятида давлат тилини фаол ўрганиш ва унинг тарғиботи борасида жорий қилинган муҳим янгиликлардан яна бири жамоанинг атоқли олимлар, адиблар ва сиёсат арбоблари билан бевосита мулоқотлари мунтазамлик касб этганидир.

Бундай учрашувларда давлат тилини ривожлантириш, сўз масъулияти, сайлов қонунчилиги ва амалиёти, парламент ҳаёти, инсон маънавияти, адабиёт, китобхонлик борасида қизиқарли суҳбат, савол-жавоблар бўлади.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг икки нафар ходими Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида билим ва кўникмасини мустаҳкамлади. Комиссиянинг кутубхонаси давлат тилига оид янги луғатлар, энциклопедиялар, қўлланмалар ва бошқа зарур нашрлар билан босма ҳамда электрон шаклда бойитиб борилмоқда.

Миллий сайлов тизимида давлат тилини жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилаётган бундай доимий эътиборнинг юксак самаралари 2019 йил 22 декабрь куни мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга, 2021 йил 24 октябрда ўтказилган Президент сайловлари жараёнида ёрқин намоён бўлгани нафақат мамлакатимиз жамоатчилиги, балки халқаро ташкилотларнинг ушбу сайловларни кузатиб борган миссиялари, хорижий давлатларнинг кузатувчилари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилгани юқоридаги фикрларимизнинг яққол далилидир.

## Аниқликда ҳикмат кўп

Давлат тилига оид энг сўнгги янгиликлардан бири — жорий йилнинг ёзида "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши ва 9 сентябрдан кучга киритилиши билан боғлиқ.

Рекламаларнинг тили, маъно-мазмуни, ҳажми, эълон қилиниш вақти, реклама берувчи ва тарқатувчининг масъулиятига доир муаммолар жамоатчиликнинг талай эътирозларига сабаб бўлиб келаётган эди. Чунки 1998 йилнинг декабридан, мазкур йўналишдаги илк қонун қабул қилинганидан буён, орадан қарийб чорак аср ўтди. Сирасини айтганда, чорак аср аввал мамлакатимизда реклама қилинадиган маҳсулоту хизматлар бугунгидек ошиб-тошиб ётгани йўқ, реклама бозори ҳали шаклланмаган эди. Сўнгги йилларда барча жабҳада амалга оширилаётган кўламдор ислоҳотлар самарасида эндиликда ўз маҳсулотларини ва хизматларини таклиф этаётган миллионлаб реклама берувчилар ҳамда тарқатувчилар пайдо бўлди. Миллий реклама бозори тўла шаклланди ва бугун гуркураб ривожланмоқда.

Янги қонунда мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз ҳаётидаги ана шу улкан юксалиш билан боғлиқ муҳим ўзгаришларга доир янги қоида ва нормалар ўз ифодасини топган. Қонуннинг "Рекламанинг тили" деб номланган 6-моддаси алоҳида эътиборга молик. Унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тарқатилади.

**Реклама мазмунининг таржимаси қуйидаги талабларга риоя этган ҳолда бошқа тилларда такрор берилиши мумкин:**

реклама мазмунининг бошқа тиллардаги таржимаси матни унинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги асосий маъносини бузиб кўрсатмаслиги керак;

ташқи реклама орқали жойлаштириладиган рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси матни Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги реклама матнининг пастки қисмида горизонталь ҳолда жойлаштирилиши ва умумий реклама майдонининг қирқ фоизидан ошмаслиги керак;

рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси матни ҳарфининг ўлчами Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги реклама матни ҳарфининг ўлчамидан кичик бўлиши керак;

теле ва радиоканалларда, шунингдек, босма нашрларда тарқатиладиган рекламанинг бошқа тиллардаги таржимаси ҳар кунги умумий реклама ҳажмининг йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

Бу ўринда таъкидланадиган яна бир гап шундаки, аввалги қонунда рекламанинг тилига доир модда мужмалроқ тузилган ягона банддан иборат эди. Янги қонунга қарасангиз, энди уларнинг сони ўндан ошганига амин бўласиз. Илгари, асосан, муваққат низомлар ва йўриқномалар билан тартибга солинган талаблар янги қонунда нормалар шаклида ўзининг аниқ аксини топган. Бу ҳам давлат тилига бўлган эътибор ва эҳтиромнинг амалдаги бир кўринишидир.

## Мунтазамлик

Албатта, ўзбек тилига оид неча ўн йиллар, ҳатто асрлар давомида йиғилиб қолган муаммоларни бир кунда ва бир зарб билан ҳал этишнинг иложи йўқ. Бу чўнг сабр-бардош, илмий изланишлар, ҳамжиҳатлик ва собитқадамлик билан амалга ошириладиган, катта маблағ ва заҳмат талаб қиладиган иш эканлиги аён.

Шу ўринда давлат тилини жорий этиш ва тарғиб қилишга доир энг катта муаммолардан бири барҳам топганига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Илгари оммавий ахборот воситаларида давлат тилига оид материаллар — мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар онда-сонда, асосан 21 октябрь — "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган кун арафасида пайдо бўлиб қолар, кейин йил — ўн икки ой гўё унутилар эди. Энди давлат тилини тарғиб қилиш ва ривожлантиришга оид чиқишлар жараёни изчиллик ва мунтазамлик касб этганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари — босма ва интернет нашрлар, радио ва телеканаллар, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларда давлат тилига оид масалаларнинг ёритилиши билан қизиқиб кўрсангиз, ҳар куни каттадир-кичикдир мақола, суҳбат, видеолавҳа, ролик ва бошқа ранг-баранг материалларни топасиз. Уларнинг орасида таҳлилий-танқидий чиқишлардан то мавжуд муаммоларгача, жойлардаги янгиликлардан то шикоят хатларигача бор. Бу — очиқлик ва ошкораликни ўзи учун дастуриламал деб билган эркин, демократик жамиятга хос табиий жараён. Бу — давлат тилини ўрганиш, ривожлантириш ва амалда қўллаш мамлакатимизда умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётганидан далолат.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек: "Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак". Бундай изчил ишлар мамлакатимизда барча соҳа ва йўналишларда давлат тилини амалда жорий этиш ва қўллаш, мустақил давлатимиз тилининг янада сайқал топиши, ривожланиши ва халқаро миқёсда ҳам ўзининг қатъий ўрнига эга бўлишига хизмат қилмоқда. Давлат тилини билиш, мазкур тилда иш юритиш ва ушбу бебаҳо маданий бойлигимизни эъзозлаш барча ватандошларимизнинг маънавий эҳтиёжига айланиб бормоқда.

**Қулман ОЧИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

# ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ БЕБАҲО МЕРОСИ

*Ҳар бир миллат бошқалардан ўзининг она тили ва урф-одатлари билан ажралиб туради. Миллий тилнинг йўқ бўлиши миллатнинг йўқ бўлиши демакдир. Тил халқларнинг бебаҳо маънавий мероси саналади.*

*Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиб, уни асраб-авайлаш, келажак авлодларга соф ва тўлақонли етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни хорижлик тил соҳаси вакиллари, ижодкор зиёлилар ҳам алоҳида эътироф этишади.*

*Қуйида хорижликлардан ҳар бир миллат ҳаётида тилнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар ёзиб олдик.*

**Элнур ПОШО,**
**Усмон Кўркут Ота университети ўқитувчиси (Туркия):**

— Инсон гўзаллиги, маънавияти, буюк мероси, ҳатто олам барқарорлигининг асоси ҳам тилдир. Шу туфайли, ҳар бир халқ учун ўз тилини асраш ва эъзозлаш муқаддас вазифамиздир. Инсон ўз тили билан улғаяди, камолга етади.

Нутқнинг гўзаллиги, тилнинг бурролиги, ифоданинг аниқлиги инсон учун ўзига хос ҳусндир, мазкур ҳусн охир-оқибатда жамиятнинг, миллатнинг ҳуснини намоён қилади.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунё бўйича олти мингга яқин тиллар мавжуд экан. Ҳар биримиз ўз она тилимиздан ташқари бошқа тилни қанчалик равон билишимиздан қатъи назар, ўз ҳис-туйғуларимизни ифода этиш учун, албатта, ўз она тилимизни мукаммал билмоғимиз лозим.

Ўзбек тили нозик қочиримларга бой ва жуда гўзал тил. Мен икки-уч йиллар илгари ўзбек тилини ўрганишга киришгандим, ҳозир ҳам бу жараён давом этмоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали ўзбек дўстларимдан тилни ўрганишга ҳаракат қиляпман, улардан ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб оляпман. Дўстларимнинг сўзларига кўра, яқин орада ўзбек тилида ҳам худди инглиз тилининг "IELTS", "CEFR" каби тил билиш даражасини ифодаловчи тизим ишлаб чиқилар экан. Мен келажакда айнан ўзбек тилини мукаммал ўрганиш ва юқори натижали сертификат олиш ниятидаман.

**Зуҳриддин УМАРОВ,**
**"Халқ овози" газетаси мухбири (Тожикистон):**

— Тилга муносабат ҳар қандай миллатнинг тафаккури ҳамда маданияти даражасини ҳам белгилаб беради. Инсон ўз она тилини қадрламас экан, тараққиёт таназзул сари кетади.

Она тили ҳар бир халқ учун муқаддаслигини тан оладиган, миллатнинг юзи эканидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, уни асраш ва ривожлантириш борасида камчиликлар билан муроса қилиб бўлмайди, албатта.

Ўзимнинг тажрибамдан келиб чиқиб айта оламанки, ўз она тилини яхши билган инсоннинг бошқа тилларни ўзлаштириши осон кечади. Мен ўзбек тилини, ўзбек адабиётини яхши кўраман, шунинг учун ушбу тилни ўрганганман. Алишер Навоийдан тортиб ҳозирги ўзбек замонавий ёзувчи-шоирларигача ўз тилида ўқиганман. Ҳар сафар Ўзбекистонга борганимда кутубхонамни безаб турадиган китоблардан олиб қайтаман. Ўзбек тилига муҳаббат менда айнан адабиёт орқали, ўзбек адабиётининг гўзал асарлари орқали уйғонган, десам, муболаға эмас.

**Раҳимжон АЛИХОН ЎҒЛИ,**
**шоир ва таржимон (Қирғизистон):**

— Тилни асрашга кўпчилигимиз фақат соҳа вакиллари, сўз билан ишловчилар масъул, дея ҳисоблаймиз. Тилда сўзлашадиганлар миллионлаб бўлсаю уни асрашга ҳаракат қилувчилар бармоқ билан санарли бўлса, қани адолат?

Этник ўзбек бўлганим боис она тилимни севаман. Унинг янада ривож топишини, дунёда нуфузи юксалишини хоҳлайман. Тан олиш керакки, "Тилим — шаъним", "Тилим — фахрим" деб ёзғириш осон, лекин буни юракдан ҳис қилиш мушкул. Тилини севган одамда ўз юртига, шу юртда истиқомат қилувчиларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуси кучли бўлади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи ярмида яшаган ўзбек жадид адабиётининг вакиллари тил, миллат, маърифат дея жонини фидо қилишган. Уларда миллий ғурур, миллий тил учун кураш туйғуси кучли эди. Улар ўзбек тилининг жаҳон минбарларидан янграши учун курашишганди. Биз ҳам то тилимиз учун қайғурмас эканмиз, аждодларимиз олдидаги вазифамизни адо қилмаган, уларнинг ишончини оқламаган ҳисобланамиз.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ОНА ТИЛИМИЗ МАВҚЕИ ЯНАДА КЎТАРИЛАДИ

*Бу ёруғ оламда ҳар биримизнинг айтиш мумкинки, тўрт онамиз бор. Улар — бизни дунёга келтирган волидаи муҳтарамамиз, она замин, она тарих ва она тилимиз. Уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, дардига дармон бўлиш ҳар биримизнинг чин фарзандлик бурчимиз.*

Тилнинг ҳимояси бугун қонун қабул қилинганидан буён 33 йил вақт ўтган кунларда ҳам Ватан ҳимояси сингари ғоят долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки ўз давлат тилини билиш ва уни ўрганиш юксак маънавият, Ватан ва халққа садоқат белгисидир.

XVIII асрда Шарқнинг бир қатор мамлакатларига сафар қилган француз сайёҳи Тавернье: "Форс тили — малоҳатли тил, шеърият ва бадиият тили, араб тили — фасоҳатли тил, Қуръон ва илм тили, туркий тил — сиёсат ва ҳарб тили", деган ўзига хос баҳони берган. Ҳозирги даврда эса биз ўз она тилимизга бемалол "малоҳатли, фасоҳатли тил, шеърият, бадиият, илм ва сиёсат тили" деган баҳони ҳам бера оламиз.

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги фикри ҳам айнан шундан далолат беради: "Дантенинг "Илоҳий комедия"сини таржима қилиш жараёни мен учун ўта улуғ мактаб бўлди. Агар қоғоз устида энг кўп тер тўккан бўлсам, ўша таржима устида тўкканман. Улуғ она тилимизнинг нақадар бой эканига имон келтирган бўлсам, айнан ўша таржима жараёнида имон келтирганман. Азбаройи таржима аслиятдан кам бўлмаслиги учун тилимизнинг бойлигидан имкони борича тўлиқ фойдаланиш йўлида изландим, тил хазинамиздан сўзлар ахтардим. Бунга нечоғлик эришганман, бу энди бошқа мавзу, бироқ (шунга) ишондимки, бизнинг тилимиз ҳеч бир муболағасиз (бутун) жаҳондаги энг гўзал ва энг бадавлат тиллардан биридир".

Бундай юксак эътирофларни ўзбек тилини жиддий ўрганаётган хорижликлар ҳам тўла-тўкис тасдиқлайдилар.

Мен юқорида бежиз бу ёруғ оламда ҳар биримизнинг тўрт онамиз бор, деб таъкидламадим. Чунки уларнинг қадрини хориж сафарларига чиққанимизда соғинч орқали яққол сезамиз.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг вафотидан сўнг 2014 йилда чоп этилган "Ярим аср дафтари" номли китобида келтирилган бир воқеий ҳикоя ёдимга тушди: "Расмий сафар билан бир неча кун чет элда бўлишимга тўғри келди. Албатта, дунёда гўзал мамлакатлар, чиройли шаҳарлар кўп. Аммо одам қаерга бормасин, ҳафта ўтмай, ўз юртини соғиниб қолади. Шундай қилиб, аввал Германияга учдик. Ундан сўнг Атлантика океани устидан Америкага училди. Бир неча кун расмий йиғилишларда бўлиб, яна Европага — Швейцарияга учдик. Бу ерда ҳам (қатор) йиғилишларда иштирок этилди. Сўнг Англияга бордик. Лондонда дунёдаги беҳад катта аэропортлардан бири — Хитроудан Тошкентга учадиган бўлдик. Ҳаво кемаси гуруллаб ишлай бошлаши билан самолётда шундай соҳир сўзлар янграйди: "Ассалому алайкум, хонимлар ва жаноблар! Сизларни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси номидан муборакбод этамиз!" Бу (гўзал) сўзларни эшитганда кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди! Бир тасаввур қилинг: она Ватанимдан минглаб чақирим нарида ва юзлаб чет элликлар — инглизлар, ҳиндлар, бенгаллар... ўтирган самолётда айни менинг она тилимда айтилган сўзлар жаранглаяпти! Биргина мана шу ҳолатнинг ўзи учун Мустақилликка минг карра таъзим қилишга тайёрман!"

Мен ҳам бир неча Европа ва Осиё давлатларида илмий ва хизмат сафарларида бўлиб, бу тўрт она соғинчини дилдан туйганман. Ҳақиқатан ҳам, инсон дунёни кўзи билан эмас, балки тили билан кўради! Бошқача қилиб ифодалаганда, ҳар бир тил вакили дунёни ўз тили мантиғидан келиб чиқиб фарқли тарзда кўради, эшитади ва идрок этади.

Шунинг учун ҳам, ўзбекнинг дили, кўнгли, қалбининг калити бўлмиш — она тилимизнинг мавқеини янада юксакларга кўтариш барчамизнинг энг улуғ, энг муқаддас фарзандлик бурчимиз.

**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 13 882 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6